



ҚАДИМГИ ТУРКИЙ БИТИКЛАРДА ПУНКТУАЦИЯ ВА МАТНИ АНГЛАШ УЧУН ИШЛАТИЛГАН ИШОРАТЛАР ҲАҚИДА

*Алимухамедов Рихситилла Абдурашидович,
ТошДШИ катта илмий ходим-изланувчиси*

Калит сўзлар: пунктуация, пунктуацион белгилари, орфография, орфография белгилар, моний ёзувли матнлар, нуқта, икки нуқта, матн ранги.

Ёзма нутқда тиниш белгилари баён этилган фикрни тўғри англашга кўмаклашади.

Тиниш белгилари гапнинг грамматик қурилишига қараб қўйилади. Шу билан бирга, тиниш белгилари гапнинг мазмуний томонларини ҳам кўрсатади (Шоабдурахмонов 1953:4).

Ўзбек тилшунослигида пунктуация масалалари, унинг тарихий тараққиёти бўйича бир қанча ишлар амалга оширилган бўлиб (Шоабдурахмонов 1953; Шоабдурахмонов 1959:71-192; Ғозиев 1969; Ғозиев 1979; Назаров 1976; Назаров 1996), улар орасида ўрта асрлар ва ҳозирги пунктуация масалалари яхши ишланган. Тадқиқотларда исломдан аввалги давр матнларидаги пунктуация масаласига кенг ўрин берилмаган. Мавжуд хулосалар эса бу борадаги маълум тадқиқотларга таянган ҳолда берилади. Бунга манбаларни ўқий оладиган мутахассиснинг камлиги ёки манбаларнинг мазкур жиҳати кам тадқиқ этилганлиги сабаб бўлиши мумкин. Шу ўринда, ҳозирда туркшуносликда амалга оширилган тадқиқотлар ҳамда мавжуд манбаларга таянган ҳолда қадимги турк муҳитида яратилган кўк турк (туркий=рун), уйғур ва моний ёзувли манбаларда матнни тўғри тушуниш учун ишлатилган ишоратлар тўғрисида фикр юритамиз.

“Тиниш белгиларининг асосий вазифаси ёзувда ифодаланадиган нутқнинг фикрий бўлинишини, гапнинг қандай қисмларга ажралишини ва у бўлақларнинг ўзаро муносабатларини кўрсатишдан иборатдир. Тиниш белгилари ёзувда ва ёзма материални

ўқиганда, гапларнинг фикрий қисмларга бўлинишини ва қисмларнинг англашилари бўлишини кўрсатиб туради. Бундан ташқари, тиниш белгилари кўшимча маъно ифодалаш учун ҳам хизмат қилади. Бунда улар нутқнинг бирор бўлаги ёки гап қандай мазмун англаганини ифодалаш учун ишлатилади” (Шоабдурахмонов 1953:4).

Пунктуацион белгиларнинг ўрнини босувчи ишоратлар ёзма нутқ пайдо бўлганидан бошлаб амалда бўлган. Тарихда ҳозирги каби пунктуацион белгилар қўлланилмаган. Шунга қарамай, уларда тиниш белгиларининг вазифасини бажарувчи ишоратлар ишлатилган. Жумладан, Махмуд Кошғарийнинг “*Девону лугатит-турк*” асари кўлёмасида (Истанбулдаги Миллат кутубхонаси, арабча асарлар бўлими, инв. №4189) туркий сўз ва унга берилган туркий мисолларни матнда ажратиш учун тепасига қизил чизик тортилган. Боб номлари, “мисол”лар, изоҳ учун келтирилган ҳарфлар қизил сиёҳда. Асардаги ҳар бир сўз-мақола баргсимон белги билан ажратилган.

Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарининг Наманган (ТошДШИ қошидаги Шарқ кўлёмалари маркази, инв. №1809) ҳамда Қоҳира (Миср миллий кутубхонаси, инв. №168) нусхаларида боб номлари алоҳида қатордан берилган. Наманган нусхасида боб номлари алмашлаб қора ва қизил сиёҳда битилган. Қоҳира нусхасида асар ичидаги боб номлари асосий матндан катта ҳарфлар ва қалинроқ сиёҳ билан ажратилган. Асарнинг Хирот нусхасида (Вена миллий кутубхонаси, А.Ғ.13) матндаги сўзлар ва баъзи ҳарфларни тўғри



тушуниш учун, ўрни билан, араб ёзувидаги ҳарфлардан фойдаланилган (Содиқов 2010:16-18).

Худди шундай ишоратлар “Жомеут-таворих” (ТошДШИ қошидаги Шарқ қўлёзмалари маркази, инв. №1620) китобида ҳам учрайди (Содиқов 1997:82-84).

Туркиядаги Сулаймония кутубхонасининг Фотиҳ бўлимида (инв. №4056) сақланаётган Алишер Навоийнинг куллиётида жамланган барча асарларида қора ва қизил сиёҳдан кенг фойдаланилган. Жумладан, қўлёзмадаги “Мажолис-ун-нафоис”даги ҳар бир мажлис ва унда келтирилган шоирлар номи қизил сиёҳда битилган. Мисол тариқасида келтирилган шеъринг парчалар олдида ёзилган “шеър” сўзи қизилда. Навоийнинг насрий асарлари, жумладан, “Муншаот” ичида берилган назмий парчалар асосий матндан жой ташлаб битилган. Матнга кўз ташлаган ўқувчининг диққатини матннинг мана шу еридаги бўш жой ўзига тортади. Бу, ўз навбатида, ўқувчига матнни тушунишга ёрдам беради.

Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” (ТошДШИ қошидаги Шарқ қўлёзмалари маркази, инв. №11110) асарида бўлим номлари қизил сиёҳда, асосий матн қорада, “Шажарайи тарокима” (ТошДШИ қошидаги Шарқ қўлёзмалари маркази, инв. №1223) асарида эса ҳар бир бўлим номининг тепасига қизил сиёҳда чизик тортилган.

Бу каби хусусиятлар исломдан аввал яратилган кўк-турк, уйғур ва моний ёзувли матнларда ҳам учрайди. Уларда бўлим, боб ёки айрим сўз ва жумлаларнинг турли рангда ёки хат бошидан берилиши, бир нукта (•) ёки икки нукта (:)нинг ишлатилиши, матн орасида жой қолдириш ва шу каби ишоратлар кузатилади.

Илк ва ўрта асрларда яратилган туркий ёзма ёдгорликларда гап чегарасини аниқлаш ўқувчидан билим ва тажриба талаб этади. Айниқса, ҳозирда


ҳар бир ёзма шаклдаги фикр тиниш белгиси билан бойиган пайтда тиниш белгиларсиз матндан бирор фикр чиқариш анча мушкул. Тадқиқотчилар қадимги ёзма ёдгорликларда ҳозирги тиниш белгиларининг йўқлигини ўша давр ўқувчиларининг ёзилган фикрни тўғри англай олиш кўникмалари мавжудлиги билан изоҳлайдилар. Бундан шундай хулоса чиқадики, гапнинг чегараси матндаги фикр тугаллигига қараб аниқланган. Бу эса, ўрганилаётган давр тили грамматикасини билишни талаб этади. Буни кўк турк ёзувли матнларда қўлланган икки нукта (:) мисолида кўриб чиқсак:





B'ILGÄ:TOŃQQ:B'N'O'ZM:TBĞČILNÄ:QI LNTM (Малов 1951:56). Билга Тўнюкүк битигидан олинган мисолни С.Е. Малов куйидагича транскрипция ва таржима қилади: *Bilgä Toñuquq bän özüm Tabğaç ilinä qilintim* – “Я сам, мудрый Тоньюкүк, получил воспитание под влиянием культуры народа табғач” (Малов 1951:61,64). Қ. Содиқов эса ўзгача талқин этади: *Bilgä Toñuquq-bän. Özüm Tabğaç älinä qilintim* – “Билга Тўнюкүк-ман. Ўзим Табғач элида вояга етдим” (Sodiqov 2009:290,294). Биринчи таржимада кўпроқ график принцип устун. Иккинчиси мантиқ ҳамда гап қурилишига таянган ҳолда амалга оширилган. Шунга кўра, юқоридаги мисолдан кўк-турк ёдгорликларида қўлланган икки нукта (:) ҳар доим ҳам жумла ва сўзларни бир-биридан ажратмаган, нукта вазифасини бажармаган, деган фикрни илгари суриш мумкин.

Икки нукта(:)нинг яна бир вазифаси – матнда сўзларни, қўшимчаларни бир-биридан ажратиш. Бунга “Сужи битиги”дан мисол келтирамиз: UYĞUR:Y'İR'N'T'Ä:YĞLQR:QN:TA:KL'T' M (Малов 1951:76). Жумлани С.Е. Малов куйидагича ўгиради: *Uyğur yirintä Yağlaqar qan ata kältim (?)* – “Я, Яглакархан-ата, пришел из уйгурской земли (*или ...* из уйгурской земли, называемой Яглакархан; *или ...* из уйгурской земли от Яглакар-




хана; по Г. Рамстедту: я пришелец в земле уйгурской)” (Малов 1951:76-77). Қ. Содиқов матнни қуйидагича талқин этади: *Uyğur yerintä Yağlaqar qanta kel(tim)* – “Уйғур ерига Яғлақар хон(юрти)дан келдим” (Содиқов 2009:64-66). Бу ўринда икки нукта (:) чиқиш келишиги (-ta)ни ўзи қўшилиб келган сўздан ажратган.

Кўк турк ёзувли матнларда икки нукта (:) билан бир қаторда бир нукта (•) ҳам ишлатилган. Мисол учун, “Ирқ битиги”да ушбу белги (қизил сиёҳда ) сўзларни, жумлаларни бир-биридан ҳамда қўшимчаларни сўзлардан ажратишга хизмат қилган: T'N':S'İ:MN':YRN:KİČÄ:LTUN:ÖR'GİN':Ü ZÄ:OLURPN:MÖİL'Y'ÜR':MN':NČA:BİLİ DL'R':D'GÜ:OL (Tekin 1993:75) – *Tänsimen. Yarın-kečä altun örgin üzä olurupan, meñiläyür-men. Anča biliñlär, edgü ol* (“Танси (“осмон ўғли”, хит. император) ман. Эртаю кеч олтин тахт узра ўтириб, шодланаман. Шундай билинлар [бу иш] яхшидир”).


Кўк турк ёзувли ёдгорликлар орасида турли ишоратларга бой бўлгани, шубҳасиз, “Ирқ битиги”дир. Асардаги бўлимлар бир-биридан қора сиёҳли қўшалок келган бир () , икки () , уч () , тўрт () кичик думалокларнинг тизими билан ажратилган. Думалокларнинг ичи қизил сиёҳда. Бу тартибга асарнинг бошидан охиригача амал қилинган. Асарнинг бош ва охирида хитойча матн бўлиб, қўлёманинг 56 b-57a варақларида кўк турк ва хитойча матн устма-уст битилган. Улар бир-бири билан турли ранглар билан ажратилган: хитойча матн қорада, туркийси қизил сиёҳда. Асарнинг ҳар бир бўлими янги қатордан бошланган.

Турли ишоратлар уйғур ёзувли матнларда ҳам қўлланган. Монийчилар тавбаномаси “Хуастуанивт”нинг Санкт-Петербург қўлёмаси (SI D1 (SI 3159) анча эътибор билан, уйғур хатининг классик услубида битилган. Матн қора сиёҳда. Жумлаларни ҳамда қўшма гапларни ажратишда қизилда битилган қўшалок

икки нукта () бажарган: ... *Törtünč söki t(ä)ñri y(a)lawaçi burxanlarqa buyanči bögtägçi ariğ dintarlarqa bilmätin näčä yaz(i)nt(i)m(i)z ärsär : y(ä)mä kirtü t(ä)ñri yalawaçi burxan[qa?] tipän ädgü qilinçl(i)ğ ariğ dintar tip kirtgünmäd(i)m(i)z ärsär : t(ä)ñri nomın sözläsär biligsizin ötrü üzänd(i)m(i)z ärsär : nomuğ törüg yadturmatin tidt(i)m(i)z ärsär : t(ä)ñrim amtı ökünür-biz yazuqda boşunu öt[ünür]-biz : M(a)nastar xirza ... [25-31 сатрлар] – “... Тўртинчи (бўлим). Бурунги тангрининг элчиси бурхонларга, тақводор, пок роҳибларга билмай туриб қанча ёзуқ қилган бўлсак, яна тангрининг садоқатли элчиси бурхонга деб, эзгу қилмишли пок роҳиб деб эътиқод қилмаган бўлсак, тангрининг қонунларини [яъни қутлуғ китобдан] сўзлаганда, билимсизлик билан унга қарши чиққан бўлсак, қонун-қоидаларни ёйиш ўрнига уларни тийган бўлсак, тангрим, энди ўқинурмиз, ёзуқдан қутқарғил дея ўтинурмиз. Ёзуғимизни кечиргайсан!” (Содиқов 2009:86-87,93-94; солиштиринг: Тугушева 2008:71).*

Асар 15 бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бир бўлим тугашидан сўнг икки энлик



очик жой () қолдирилган. Шундан сўнг кейинги бўлим бошланган. Бўлим бошланиши ва тугашида жумлани ажратувчи қўшалок нукта қўйилган.

Қўлёмза ўрама китоб шаклида бўлиб, матн ҳар икки четдан текисланган. Матн эстетик жиҳатдан чиройли чиқиши ҳамда варақни тўлдириб туриши учун қатор охиридаги баъзи ҳарфлар чўзиб ёзилган. Буни қўлёманинг 33-36, 38-41, 43-45 ва бошқа қаторларида учратиш мумкин (қўлёмзага солиштиринг: Тугушева 2008:72-73).



Кўлёманинг асосий матни қорада. Матннинг сўнгги 159-160 қаторларидаги тарих эса қизилда битилган.

Турк-моний ёзувли ёдгорликларда ҳам матнни тушуниш учун ишоратлар қўлланилган. Жумладан, “Хуастуанивт”нинг Лондон нусхаси (Ог. 8202 (178) ҳам ўрама қоғоз шаклида китобат қилинган бўлиб, унда қўлланган кўш нуқта асарнинг уйғур ёзувли Санкт-Петербург нусхасидаги каби гапларни, бўлимларни бир-биридан ажратиш учун хизмат қилади. Нуқталарнинг ёзилиши ҳам бир хил: қора сиёҳдаги нуқталар қизил думалокқа олинган. Асосий матн эса қора сиёҳда.

Икки нуқта кўринишидаги белгини “Хуастуанивт” асарининг уйғур ҳамда моний ёзувли узиндиларида ҳам учратиш мумкин.

Умуман олганда, матнда қўлланган мазкур белгилар табиатига кўра барча турдаги матнларда учрамайди. Жумладан, илк ва ўрта асрларда яратилган васиқа, олди-берди шартномаларида бу каби ишоратлар йўқ. Уларни ўқиган ўқувчи матн мазмунидан гапни, фикрни ажрата олган.

Ушбу кўлёмаларда икки, баъзида уч рангдаги сиёҳдан фойдаланилган. Бу

берилган жумлаларни ажратиб кўрсатишга хизмат қилади. Ушбу ҳолат, ўрни билан, ҳозирда ишлатилаётган кўштирноқ, хат боши, бўлим номи кабиларнинг функциясини бажаради.

Ҳозир қўлланилаётган пунктуацион белгилар матнда жумлаларни, сўзларни бир-биридан нуқта, вергул, кўштирноқ, икки нуқта ва бошқа белгилар билан ажратади. Булар ўқувчига матнни қандай қилиб ўқиш ва тушунишга ёрдам беради. Пунктуацион белгилар ишлатилган матнни ўқиган ўқувчи қийналмасдан фикрни тушунади ва матн мазмунини англайди. Қадимги туркий матнларда бундай пунктуацион белгилар қўлланмаган бўлишига қарамай, уларда ўқувчи учун матнни англаш ва ундаги фикрни тушуниш учун турли ишоратлардан фойдаланилган. Буларга матннинг турли рангларда берилиши, матн ости ва усти белгилари, матн орасида жой қолдириш, сўзлар орасида турли белгиларнинг ишлатилиши ва бошқаларни келтириш мумкин. Бундай белгилар ўқувчига матн қандай тузилганлигини идрок этишга кўмаклашган. Шу орқали ҳар бир ўқувчи матндан англашилган фикрни тушунган.

Адабиётлар

1. Малов 1951 – Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. М.,-Л. 1951.
2. Назаров 1976 – Назаров К. Ўзбек тили пунктуацияси. -Тошкент. Ўқитувчи. 1976.
3. Назаров 1996 – Назаров К., Эгамбердиев Б. Ўзбек тили ишора-имло қоидалари (пунктуация). -Тошкент. Ўқитувчи. 1996.
4. Содиқов 1997 – Содиқов Қ. Уйғур ёзуви тарихи (Манбашунослик ва китобат тарихи масалалари). -Тошкент. “Маънавият”. 1997.
5. Содиқов 2009 – Содиқов Қ. Эски туркий битиклар.-Тошкент. 2009.
6. Sodiqov 2009 – Sodiqov Q. Turkiy til tarixi.-Toshkent. 2009.
7. Содиқов 2010 – Содиқов Қ. “Қутадғу билиг”нинг уйғур ёзувли Ҳирот нусхаси. - Тошкент. 2010.
8. Тугушева 2008 – Хуастванифт. (Манихейское покаяние в грехах). Предисловие, транскрипция уйғурского текста, перевод Л.Ю. Тугушевой. Комментарий А.Л. Хосроева. Факсимиле текста. Санкт-Петербург: Нестор-История, 2008.
9. Tekin 1993 – Tekin T. Irk Bitig: The Book of Omens, Harrassowitz Verlag, Wiesbaden. 1993.
10. Шоабдурахмонов 1953 – Шоабдурахмонов Ш. Пунктуация қоидалари. Тошкент. 1953.



11. Шоабдурахмонов 1959 – Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек тили грамматикаси ва пунктуацияси масалалари. - Тошкент-Наманган. Фан. 1959.
12. Ғозиев 1969 – Ғозиев Ҳ.Ғ. Октябрь революциясидан олдинги ва кейинги ўзбек пунктуациясининг баъзи масалалари. -Тошкент. Фан. 1969.
13. Ғозиев 1979 – Ғозиев Ҳ. Ўзбек пунктуациясининг тарихий тараққиёти (пунктуацион белгилар, уларнинг вазифалари ва қўлланиш асослари).-Тошкент. Фан. 1979.

Алимухаммедов Р. Определение пунктуации в древнетурецких памятниках и текстах. Проблема пунктуации имеет важную роль в лингвистике. В узбекской лингвистике вопрос пунктуации изучена всесторонне. Несмотря на это, роль пунктуации в древнетюркских памятниках изучена неполно. В данной статье раскрывается проблематика пунктуации древнетюркских памятников с помощью рукописных источников. В нем анализируются пунктуационные и служебные знаки для понятий текста.

Alimuxammedov R. The punctuation marks, which helps to understand old Turkish. The problem of punctuation has an important role in linguistics. In the Uzbek linguistics problem of punctuation was studied comprehensively. Despite this, the role of punctuation in the ancient Turkic monuments studied incompletely. In this article is exposed the problems of punctuation of ancient Turkic monuments by using manuscript sources. The punctuation and service signs to understanding of the text are analyzed in it.
